

Намоздаги хатолар



09:21 / 07.03.2024 3907

1. Имом ёки ёлғиз ўзи ўқиётган киши фарз намозларнинг илк қаъдасини унутган ҳолда тарк этиб, учинчи ракъатга тураётганида, тўлиқ қад ростламасдан аввал эсласа, ташаҳҳудга қайтиб ўтиради.
2. Имомга иқтидо қилган киши эса, нафл намоз ўқиётган киши каби, тўлиқ қад ростлаган бўлса ҳам, ташаҳҳудга қайтади.
3. Имом ёки ёлғиз ўзи намоз ўқиётган киши илк қаъдани тарк этиб, қиёмга яқин бўлатуриб, ташаҳҳудга қайтса, саҳв саждаси қилиши лозим.
4. Қаъдага яқинроқ турган ҳолатда орқага қайтса, саҳв саждаси қилмайди.

5. Имом ёки ёлғиз намоз ўқиётган киши охирги қаъдани унутиб, ортиқча ракъатга туриб кетсаю, сажда қилмаган бўлса, қайтиб ўтиради ва фарз бўлган қаъдани кечиктиргани учун саҳв саждаси қилади.

6. Агар сажда қилган бўлса, намози бутунлай нафлга айланади. Бундай ҳолларда, хоҳласа, аср намозида бўлса ҳам, ушбу қўшимча бешинчи ракъатга яна бир ракъат қўшади. Бомдод намозида эса учинчи ракъатга қўшимча яна бир ракъат қўшади. Аммо саждаи саҳв қилмайди. Ушбу фарз намози қайта ўқилади.

7. Охирги қаъдани адо этгач (салом бермасдан), ўрnidан туриб кетса ва (қўшимча ракъатда сажда қилмаган бўлса) ўтиради ва такрор ташаҳхуд ўқимасдан салом беради ва саҳв саждаси қилади.

8. Қўшимча ракъатга сажда қилгач, салом бермасдан туриб кетганини эсласа, қайтиб ўтирмайди ва яна бир ракъат қўшади, бу икки ракъат нафл намоз бўлади, сўнг вожиб бўлган саломни тарк қилгани учун саҳв саждаси қилади.

9. Тўрт ракъатли суннат (нафл) намозини ўқишни ният қилиб, дастлабки икки ракъатида саҳв саждаси қиладиган бўлса, сўнгги икки ракъатни унга қўшмай тугатиш мустаҳабдир. Шунга қарамасдан кейинги икки ракъатни туриб ўқиган тақдирда, саҳв саждасини тақрор қилиши керак.

10. Саҳв саждаси қиладиган имомга салом бераётганида иқтидо қилган кишининг намози, агар имом саҳв саждаси қилса, тўғри бўлади. Акс ҳолда, нотўғри.

11. Зиммасида саҳв саждаси бор киши, намоздан чиқиш мақсадида салом берган бўлса ҳам, юзини қибладан ўгирмаган ёки гапирмаган бўлса, саҳв саждасини адо этиш керак.

12. Агар намоз ўқиётган киши уч ё тўрт ракъат ўқиганига шубҳаланиб, саломдан сўнг, бошқа ишга машғул бўлмай икки ракъат ўқиганини

англаса, дарҳол қолган қисмини ҳам ўқиб, саҳв саждаси қилади.

13. Шунингдек, киши намозини тўлиқ ўқигани хусусида рукуъ ёки сажда қила оларлик миқдорича ўйланиб қолса-ю, бир қарорга келгунича салом бермасдан, кутиб турса, саҳв саждаси вожиб бўлади. Акс ҳолда, саҳв саждаси шарт эмас.

Намозда шубҳа

Киши бир намозни тамомламасдан аввал неча ракъат ўқигани ҳақида шубҳа қилса ҳамда бу шубҳа илк маротаба юз бераётган бўлса ёки одатий ҳол бўлмаса, бу намоз бузилади. У намозни такрор ўқиши лозим. Салом бергач, юзага чиққан шубҳага эътибор берилмайди. Бу ҳолда бирор рукни тарк қилганини аниқ билса, намозини такроран ўқийди.

Шубҳанинг кўп бўлиши

Бундай ҳолат кишида жуда кўп содир бўлса, қалби кўпроқ мойил бўлган томонга қараб ҳаракат қилади.

Изоҳ: Агар киши намозни тўлиқ ўқиганига қаноат ҳосил қилса-ю, салом берганидан сўнг ишончли бир киши бир ракъат кам ўқиганини айтса, у ҳолда киши ўз шахсий қаноатини асос қилиб олади ва бошқанинг огоҳлантиришига эътибор қилмайди. Аммо бу камчилик икки ишончли киши томонидан хабар берилса, киши ўзининг тўғри ўқиганига қаноат ҳосил қилса ҳам, икки кишининг сўзи бўйича амал қилади. Имом билан жамоат неча ракъат ўқиганлари ҳақида ихтилоф қилиб қолса-ю, имом шахсий қаноатига ишонч ҳосил қилса, шу ишончига кўра амал қилади. Жамоатнинг бир қисми имомнинг қаноатини қувватласа, унда ҳам шундай йўл тутилади.

Агар қалби бир томонга мойиллик қилмаса, (икки ракъат ўқидими, тўрт ракъат ўқидими, қатъий қарор бера олмаса) бу икки эҳтимолдан оз бўлганини танлайди. Фақат (вожиб бўлган) қаъдани тарк қилмаслик учун охирги ракъат деб ўйлаган ҳар ракъатдан сўнг ўтиради ва саҳв саждаси қилади.

Изоҳ: Киши таҳорати бор-йўқлиги ҳақида шубҳаланса-ю, ўйлаб кўргач, таҳорати борлигига ишонч ҳосил қилса, у киши фикҳ нуқтаи назарига кўра

тахоратли ҳисобланади. Агар киши таҳорат аъзоларидан бир қисмини ювган-ювмаганлиги хусусида шубҳаланиб қолса ҳамда бу ҳол илк маротаба юз бераётган бўлса, ўша жойларини қайта ювади. Агар бу одатий ҳолат бўлса, унга эътибор қилмайди. Шунингдек, намоз асносида ҳам кишининг ақлига турли хил шубҳалар келса, бу хоҳ намоз тўғрисида, хоҳ таҳорат хусусида бўлсин, агар илк маротаба юз бераётган бўлса, шубҳага тушган жойини такрор бажаришга киришади. Агар бу ҳам одатий ҳол бўлса, бу шайтондандир, бунга эътибор қилмайди ва намозини давом эттиради.

«Нурул изоҳ» китоби асосида тайёрланди
«Ҳилол» журналининг 9(54) сонидан